

САЛОМАТЛИК САЙЛЛАРИ

«Инсонга эътибор ва сифатли таълим» йили юртдошларимиз учун манфаатли ва фойдали келмоқда. Соғликни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан туман марказий истироҳат боғида ўткпизилган «Саломатлик сайили» ҳам бунга мисолдир.

Саломатлик сайлида 30 нафардан ортиқ Республика, вилоят, тумандан тор доирадаги мутахасислар- кардиолог, эндокринолог, невропатолог, оркулист, ЛОР, гастроэнтеролог, хирург, акушер гинеколог, пульмонолог, онколог, уролог, нейрохирург, травматолог, проктолог, педиатр ва бошқа мутахассилар юртдошларимизга хизмат кўрсатишди. Сайлда жами 2878 нафар аҳоли тиббий кўриқдан ўтказилди. Улардан 1246 нафари аёллар, 806 нафари болалар ва 826 нафар эркакларни ташкил этди.

Тиббий кўриқдан ўтказилган аҳолининг 2014 нафари соғлом, деб топилиб, соғлом турмуш тарзи бўйича маслаҳатлар берилди. 864 нафар аҳолида хавф омиллари борлиги аниқланиб, соғломлаштириш режалари тузилди. 18 нафар bemорлар туман тиббиёт бирлашмасига стационар шароитда даволанишлари учун ётқизилди.

2 нафар bemор тиббиёт бирлашмаси «Туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон томир касалликлари» маркази хиургия бўлимида вилоят ҳамда туман проктолог врачлари томонидан операция ўтказилди. 20 нафар bemорга турли касалликлар бўйича вилоят муассасаларида даволаниш учун тавсия ва йўлланмалар берилди.

Бундай тадбирларни ўтказишдан мақсад аҳолининг тўғри овқатланишга йўллаш ва соғлом турмуш тарзida ҳаёт кечириши ҳамда нотўғри овқатланиш билан боғлиқ юқумли бўлмаган касалликларни олдини олишга эришишдир. Тадбир давомида соғлом овқатланиш столи ташкилланиб, марказ ходимлари томонидан тушунтириш ишлари олиб борилди. Соғлом турмуш тарзига оид эслатмалар, буклетлар тарқатилди. **ЁЗЁВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ**

2023-04-15 20:45:32